

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 20 июль, жума

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 138 (10.947)

Баҳоси эркин нарҳда

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ва ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти ҳамкорлигида Фарғона шаҳрида ўтказилган семинар-тренинг бошқарув тизимида ишлайётган раҳбарлар, мутахассисларнинг кундалик фаолиятини мониторинг йўли билан баҳолаш, хулоса бериш масалаларига бағишланди.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Кенгашининг йиғилиши Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси фаолиятининг ярим йиллик якунлари ва келгуси вазифаларга бағишланди.

Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиакомпанияси жамоаси мамлакатимиз Мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида қашқадарёлик авиайўловчиларга муносиб тўхфа ҳозирлади — «Қарши-Москва-Қарши» ҳаво йўналиши очилди.

Кеча Тошкентда «TNT Productions, inc» компанияси ташкилотчилиги ва Ўзбекистон сартаврлар ассоциациясининг кўллаб-қувватлаши остида «BeautyExpo Uzbekistan-2007» кўرғазмаси очилди. 21 июлга қадар давом этадиган ушбу кўрғазмани уюштиришдан мақсад гўзаллик саноати соҳасидаги ютуқларни кўрсатиш, тажриба алмашиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашишдир.

Бугун Андижонда «Экосан» халқаро ташкилоти, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Камолот» ЁИХ ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» шиори остидаги экофестиваллар марафони бошланди.

Пастдарғом туманининг Чортут қишлоғида 540 ўринли йўл қурилиши ва транспортларга техник хизмат кўрсатиш касбхунар коллежининг қурилиш ишлари якунланди. 1,5 миллиард сўмдан ортиқроқ бунёдкорлик юмушлари амалга оширилган мазкур коллеж янги ўқув йилида ўз эшикларини очди.

Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги мактаб ва мактабгача таълим муассасаларини ёш мутахассислар билан таъминлаш мақсадида «Ёш муаллим, қаерда ишламоқчисиз?» шиори остида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида қатнашган барча ёш педагоглар иш билан таъминланди.

## ЖАҲОНДА

Фаластин етакчиси Маҳмуд Аббос Европа Иттифоқи вакили Хавьер Солана билан биргаликда ўтказган матбуот анжуманида мухториятда парламент ва президентлик учун янги сайловлар ўтказиш таклифи билан қийди.

БМТ инспекторлари Шимолий Кореядаги барча ядровий объектлар ёпилганини расман тасдиқлади. Бинобарин, ҚХДРнинг мамлакатдаги ядро реакторларини тўхтатиш жорий йилнинг февраль ойида эришилган келишувнинг амалга ошишида дастлабки қадам бўлди. Шимолий Кореянинг ядро дастури тақдирини Пекинда АҚШ, Россия, Хитой ва Жанубий Корея иштирокида ўтказилган музокараларда ҳал этилади.

Кеча Франциянинг собиқ президенти Жак Ширак Париж мэриясидаги қонунбузарликлар юзасидан сўроқ қилинди. Гап шундаки, собиқ президент Париж шаҳрини бошқарган вақтида катта миқдордаги маблағнинг ноқонуний равишда ўзлаштирилганлигида айбланмоқда.

Ироқнинг Сурия билан чегарадош ҳудудида мамлакат хавфсизлик кучлари томонидан ўтказилган махсус рейд давомида юк машинасига ортилган террорчи-камикадзеларнинг кўпуровчиликда фойдаланадиган 200 та «ўлим белбоғи» борлиги аниқланган.

Душанба кuni Украинанинг Львов областида поезд ҳалокати оқибатида сариқ фосфорнинг ёниши натижасида фосфор буглари билан заҳарланиш таҳдиси билан жами 152 киши касалхонага ётқизилган. Ҳозирда ҳалокат юз берган ҳудудларни тозалаш ишлари давом этмоқда.

Россия Грузия билан виза режимини енгиллаштирди.

Кеча Нью-Йорк шаҳри маркази Манхеттенда ер остида кучли портлаш содир бўлиб, қувар, асфальт ва бетон бўлаклари бир неча метр баландликка отилган. Маълум бўлишича, иситиш тизими бугхонасида юз берган носозлик портлашни келтириб чиқарган ва фожеа оқибатида бир киши юрак хуружидан ҳаётдан кўз юмган бўлса, 30 га яқин киши тан жароҳатларини олган.

Косово масаласида Марти Ахтисари режаси асосида тайёрланган резолюция лойиҳаси БМТ Хавфсизлик Кенгашига овозга қўйиш учун киритилди. Россия масалани ҳал этишида томонлар талаблари инobatга олинмагани учун мазкур резолюция лойиҳасини кўллаб-қувватламаслигини билдирди.

## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 21 июль кuni Тошкентда ҳаво бироз булутли бўлиб, вақти-вақти билан ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан эсаётган шамол йўналишини ўзгартириб, фарбдан секундига 5-10 метр тезликда эсади. Кечкурун шамолнинг тезлиги кунайиб, секундига 12-17 метрга етиши мумкин. Кечаси 22-24, кундузи 37-39 даража иссиқ бўлади.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

### Кечаси сатрларда

Бугун Чилонзор туман ўқувчилар ижодиёт марказида туман маҳаллаларида яшовчи қизлар иштирокида «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган «Уй бекаси» ўқув курсининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди.

Республика Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар ва Юнусобод туман бўлимлари, Юнусобод туман маданият ва спорт ишлари бошқармаси ташаббуси билан «Ватан ягонадир — Ватан биттадир» мавзусида энг яхши кўшиқ ва мусика танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.


Кеча Мирзо Улуғбек туман ҳокимлигида юртимиз Истиклолининг 16 йиллигига бағишлаб «Обод маҳаллада пок одамлар ашайди» мавзусида ўтказилган маънавий-ҳуқуқий тарғибот тадбири Республика Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар ва Мирзо Улуғбек туман бўлимлари, Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорлигида уюштирилди.

Кеча «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида уюштирилган матбуот анжуманида жорий йилнинг олти ойи давомида бажарилган ишлар ҳамда келгуси вазифалар режаси муҳокама қилинди.

Кеча «Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етақчилар кенгаши ташаббуси билан 2-муруват уйда Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланган хайрия тадбири ўтказилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

## Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники



### МИРОБОД ТУМАНИ




Энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 16 йиллик тўйи яқинлашган ушбу шукҳли кунларда Миробод туманининг 123 минг нафардан зиёд аҳолиси — кексаю ёш уни муносиб нишонлашга, меҳнат муваффақиятлари билан қутиб олишга ҳаракат қилмоқда. Туманда жойлашган 39 та маҳаллада ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда, 716 та кўп қаватли уйларда яшовчиларга қўлай шарт-шароитлар яратилмоқда. Туманда фаолият кўрсатаётган 3853 та йирик ва кичик корхоналар, микрофирмаларнинг иқтисодийёт ривожидидаги улуши салмоқли бўлмоқда. Аҳоли соғлигини мустаҳкамлашда муҳим ҳисса қўшаётган туман соғлиқни сақлаш муассасаларида Ижтимоий ҳимоя йилида қурилиш, қайта таъмирлаш, замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Тумандаги 9 та олий ўқув юрти малакали мутахассислар тайёрлашда, 8 та касбхунар коллежлари ёшларнинг ҳунар эгаллашларида, лицей ва 17 та умумтаълим мактаблари эса ўғил-қизларнинг мукамал билим олишларида муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бугунги кунда туманда 500 тадан зиёд корхона ва ташкилотлар саноат соҳасида фаолият юритиб, улардан 17 таси йирик корхоналар сирасидандир. Айниқса, «Ўзэлектроаппарат» — «Электршит» кўшма корхонаси ОАЖ, «Ўзимфарм», «Фотон», 14-сонли «Рельспайвандлаш» акциядорлик жамиятлари, «Ўзтемирўлмаштаъмир» корхонаси, «Ўз-Гинноонг» кўшма корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот турлари ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

2007 йилнинг биринчи ярмида саноатда ялпи ишлаб чиқариш ҳажми солиштирма нарҳларда 98,6 миллиард сўмни ташкил этди. Машинасозлик, тиббиёт, электротехника саноатида ўсиш суръатларига эри-



шилди. Биринчи ярим йилликда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 26246,5 миллион сўмни ташкил этди, чакана савдо айланмаси 82,3 миллиард сўмга етиб, ўсиш суръати жорий нарҳларда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,9 мартага кўпайган. Пуллик хизмат кўрсатиш 66,1 миллиард сўмга етди.

Бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда туманда кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама кўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Кичик бизнес субъектлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 70 тага кўпайиб, жами 2870 тани ташкил этди. Янгидан ташкил топган корхоналар ҳисобида 2007 йилнинг биринчи ярим йиллигида 1998 та иш ўринлари яратилди.

Умумий инвестиция ҳажмида корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобида киритилган сармоя 35,6 миллиард сўмни ташкил этди, 45,9 миллиард сўмлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритилди. Йирик саноат корхоналаридан ҳисобланган «Ўзэлектроаппарат» — «Электршит» кўшма корхонаси очиқ акциядорлик жамиятида жорий йилда 5 миллиард сўм инвестиция киритиш ҳисобига ишлаб чиқаришни кўпайтириш режаланган бўлиб, ярим йилликда 660 минг евро миқдоридан инвестиция ки-

ритилиб, янги технологик линия ишга туширилди. Айни пайтда эса яна 1200 минг евро миқдоридан инвестиция киритилиб, монтаж ишлари олиб борилмоқда. «Бўстон» ва «Юнител» кўшма корхоналарида ҳам хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобида аҳолига сифатли хизмат ташкил этилмоқда.

Туманда ўтган ярим йилда «Бандлик — 2007» йил дастури амалга оширила бориб, 3530 та янги иш жойлари яратилганини таъкидлаш лозим. Касаначиликни ривожлантириш ҳисобида 342 та кўшимча ишчи ўринлари ташкил қилинди.

Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра ташқи савдо айланмаси 473,4 миллион АҚШ доллар миқдоридан бўлиб, шундан экспорт 239,1 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу экспорт ҳажми ўтган йилга нисбатан 119,3 фоизга ошганини кўрсатади.

Байрамга саноқли қулган айни дамларда тумандаги ҳар бир маҳалла, корхона, ташкилот, муассаса, қўйинги ҳар бир гўшад тикланишига қайтиш юзасидан ўз истигимизни ва бунга тайёр эканлигимизни билдирдик. Ҳаммамизга маълумки, Россия, Қозғистон, Озарбойжон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистондаги бугунги муфтийларнинг деярли барчаси ўзбек заминидеда муносиб таҳсил ва тарбия олганлар.

Бутун Россия ҳамда МДХ ҳудудида тарқатилган «Минарет» журналининг махсус сонини Ўзбекистон мустақиллигининг ўн олти йиллиги, Ўзбекистон мусулмонларининг фарован ва мазмунли ҳаёти, шунингдек, барча аънавий яққахудолик динларининг давлат ва шахсан мамлакат президенти томонидан мисли қўрилмаган, беқиёс даражада моддий ва маънавий кўллаб-қувватланаётгани мавзусига бағишлаб чоп этилди.

«Жаҳон» АА

## УМАР ҲАЗРАТ ИДРИСОВ: «ҲАҚҚОНИЙ, АДОЛАТЛИ ВА ЎЗ ВАҚТИДА ЧИҚАРИЛГАН ҚАРОР»

Яқинда Россия Федерацияси Нижегород вилоятининг мусулмонлар диний бошқармаси РАИСИ, Россия муфтийлар кенгаши президиумининг аъзоси УМАР ҲАЗРАТ ИДРИСОВ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛДИ. ВАТАНИГА ҚАЙТГАЧ, МУФТИЙ ҲАЗРАТЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗ РАҲБАРЯТИГА МАКТЎБ ЙЎЛЛАБ, КЎРСАТИЛГАН МЕҲМОНДУСТЛИК УЧУН МИННАТДОРЛИК ИЗЎР ЭТГАНИ БАРОБАРИДА ЮРТИМИЗ БЎЙЛАБ САФАРИДАН ОРТТИРГАН ТААССУРОТЛАРИНИ ҲАМ ЎРТОҚЛАШДИ.

«1987 йили буюк Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент ислом институтини тамомлаганимнинг йигирманчи йили интиҳосида (унгача машҳур «Мир Араб» мадрасасида таҳсил олиш бахтига муяссар бўлганман) Ўзбекистоннинг юрагим тўридан жой олган шаҳарларини зиёрат этдим, деб ёзди муфтий ҳазратлари. Сафарим чоғида Х.Фаизхонов номидаги Нижегород ислом институти директори Дамир ҳазрат Мухетдинов менга ҳамроҳлик қилди. Эътироф этиш кераки, кўча ва маҳаллалардаги

тартиб ва тозалик, Тошкент, Бухоро, Самарқанд шаҳарлари ва туман марказларида ҳукмрон бўлган тинчлик ва осойишталик, тарихий ёдгорликлар қарор топган зиёратгоҳлар, хусусан, Самарқанддаги Имом ал-Бухорий, Имом ал-Мотуридий, Бухородаги Баҳоуддин Нақшбандий зиёратгоҳлари, Мир Араб мадрасасидаги саранжом-сарийшталик ва гўзаллик бизларни хайратга солди.

Тарихий ёдгорликларни, кўз унгимизда барпо этилаётган эртакмонанд бунёдкорликлар - ма-

ҳаботли масжид-мадрасалар, ислом маданияти маркази, Тошкентдаги Ҳазрати Имом диний мажмуи қурилишларини кўриб мамлакат Президенти ва халқидан мамнун-миннатдор бўлганимиз ҳолда Яратганга беадаб шукрона ва ҳамду санолар айтдик.

Ўзбекистондан қайтганимдан сўнг Нижний Новгороддаги жоме-масжидида жума намози ваъзини кўрган ва эшитганларимга, Ўзбекистон мусулмонларининг ҳаёти ва қўлга киритган эътиборга молик муваффақият-


лари мавзусига бағишладим. Тошкентда маҳобатли Ҳазрати Имом мажмуи қурилишидаги умумий иштиёқманглик, ўз кўзимиз билан кўрганимиздек, минглаб одамларнинг кеча-кундуз сидқидил меҳнат қилаётгани ҳақидаги ҳикоямиз маҳаллий мусулмонларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Мен Ўзбекистон алломалари ва раҳбариятининг тарихий ҳиссаси ҳамда замонавий ислом илми ва маданиятини авайлаб-асраш ва ривожлантириш борасидаги муваффақиятлари учун Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилотининг (ISESCO) юксак эътирофи тўғрисида Нижегород вилояти мусулмонларига мамнуният билан сўзлаб бердим. Биз Тошкентга 2007 йилда ислом маданиятининг пойтахти, деган юксак унвоннинг берилганини ҳаққоний, адолатли ва ўз вақтида чикарилган қарор, деб билдирдим.



Ўзбекистон диний уламолари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда ўзини тарихан муваф-

фақиятли оқлаган аънава, яъни Бухородаги «Мир Араб» мадрасаси ҳамда Тошкент ислом университети негизидеда Россия учун олим-имомлар ва мадраса муаллимлари тайёрланиши қайта тикланишига қайтиш юзасидан ўз истигимизни ва бунга тайёр эканлигимизни билдирдик. Ҳаммамизга маълумки, Россия, Қозғистон, Озарбойжон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистондаги бугунги муфтийларнинг деярли барчаси ўзбек заминидеда муносиб таҳсил ва тарбия олганлар.

«Жаҳон» АА



# Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники



**ТУМАНДАГИ УШБУ МАҲАЛЛА ЮРТИМИЗ НОМИ БИЛАН — «ЎЗБЕКISTON» ДЕБ АТАЛАДИ. ТУРЛИ МИЛЛАТ ВАКИЛЛАРИДАН ИБОРАТ БЎЛГАН АҲОЛИ ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ 5 ТА КЎП ҚАВАТЛИ ТУРАР ЖОЙ БИНОСИНИ БИРЛАШТИРГАН УШБУ МАҲАЛЛАДА ЧИНДАН ҲАМ АҲИЛЛИК, ҲАМЖИХАТЛИК, МЕҲР-ОҚИБАТ МУЖАССАМКИ, БУ УНИНГ КЎРКИ ҲАМДА ОБОДЛИГИДА, КЕКСАЛАР ИБРАТИЮ ЁШЛАРИ ТАРБИЯСИДА, ТАДБИРКОРЛАРИ ҲИММАТИЮ ФАОЛЛАРИ ҒАЙРАТИДА ЯРҚОЛ АКС ЭТМОҚДА.**

## Ватан ичра Ватан

### НОМИГА МОС МАҲАЛЛА

— Маҳалламизда аввало энг асосий эътиборни аҳоли тинчлиги, турар-жойлар ободлиги, яшовчиларга қўлайликлар яратиб, муаммоларини вақтида ечиб, тотувлигини таъминлашга қаратамиз, — дейди «Ўзбекистон» маҳалласи оқсоқоли Талъат Шамсиев. — Уйларимизда 662 та хонадон мавжуд бўлиб, 682 та оила аҳли яшайди. Ҳар бир турар жой биноси учун алоҳида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ташкил этилган. Уларга «Саиджон барака сервис» профессионал бошқарув компанияси шартнома асо-

сида хизмат кўрсатади. Маҳалла аҳлига қўлайликларни кўзда тутиб, нон ёпиш цехи очдик, 2 та озик-овқат дўкони, оёқ кийимларни таъмирлаш устaxonаси намунали хизмат кўрсатмоқда. Худудимизда тадбиркорлар томонидан бунёд этилган мебель саломи иш бошлади, умуртка погоналари касалликларини даволаш маркази фаолият юритмоқда, 440-мактабгача таълим муассасаси жойлашган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 5 нафар уй бошлиқлари ва 26 нафар йўлакбо-

шилар маҳалла билан ҳамкорликда ишлашади. Байрам тадбирлари, турли мавзулардаги учрашув ва мулоқотлар, ёшлар тарбиясига оид кечалар, анжуманлар мунтазам ўтказиб борилади. Қуни кеча «Қамолот» ЁИХ туман бўлими билан ҳамкорликда йўл ҳаракати қондаларига бағишланган тадбир ўтказилди.

Ижтимоий ҳимоя йилида аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Ёшларни иш билан таъминлаш, ўқув марказларида хунар ўрганишларини ташкил этишда туман меҳнат бўлимининг ёрдами эътиборлидир.

Айни кунларда эса уйларда кузги-кишки тайёргарлик ишлари режа асосида олиб борилиб, камчилик ва нуқсонлар тугатил-

моқда. Қўтлуг айём — Истиқлол шодиёна-ларига тайёргарлик ишлари ҳам қизитиб юборилди. Ҳовлилар, йўлақлар ободлигини ошириш учун ҳашарлар уюштирилмоқда, барча юмушларни кўнгилдагидек адо этиш учун эса коммунал тўловларни вақтида бажаришга эътибор кучайтирилган. Аънавий «Маҳалла қуни» тадбирида эса, албатта фаолларни рағбатлантириш кўзда тутилган.

Номига яраша бўлишга интилаётган мазкур маҳалла аҳлининг келгуси режалари ҳам бисёр. Улар аҳоли тинчлиги ва худуд қўрамчилигини доимий эътиборга олган ҳолда болажонлар учун киши спорт майдончаси бунёд этишни ният қилишмоқда. Шубҳасиз, яхши ният ярим давлатдир.

## Умуммиллий дастур — амалда

### ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

**ТУМАНДАГИ 154-МАКТАБДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН ЎГИЛ-ҚИЗЛАР, УЛАРГА ТАЪЛИМ БERAЁТГАН ПЕДАГОГИК ЖАМОА ВА ОТА-ОНАЛАР ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИНИ КАПИТАЛ ТАЪМИРДАН СЎНГ ЎЗГАЧА ҚИЁФА КАСБ ЭТГАН БИНОДА КУТИБ ОЛИШАДИ.**

Умуммиллий дастур режасига кўра замонавий таъмирланган ва талаблар даражасида жиҳозланиши, барча қўлайликлар яратилиши кўзда тутилган ушбу билим максадида қурилиш-тиклаш ва пардозлаш ишлари ниҳосига етмоқда. Капитал таъмирлаш юмушларини «Файз-барокат» хусусий фирмасининг таъминоти қўриб олишга йўналтирилган. Мазкур фирма жамоаси Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан капитал таъмирлаш бўйича эълон қилиниб, ташкил этилган тендерда ғолибликни қўлга киритди. Қурилишда сифат ва муддатга эътибор қаратган бунёдкорлар мактабни таъмирлашда унинг замон талабларига тўла жавоб бериши учун бор имкониятлардан оқилона фойдаланишмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, турли хунар эгалари бўлган бунёдкорларнинг айни қизини паллада ишлари янада авж олган. Бино томи қайтадан ёпилди, сантехника ва электромонтаж ишлари кўзланганидек адо этилди. Фаоллар ва спорт заллари тўла пардоздан чиқди, эшик ва деразалар алмаштирилди, қўйинги, шу бугунгача лойиҳада белгилан-

ган ишларнинг 90 фоиздан ортиги муваффақиятли бажарилди.

— Мактабимизда бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган қурувчиларнинг меҳнатидан мамнунимиз, — дейди мактаб директорининг маънавият ва маърифат бўлими буйича ўринбосари Дилмурод Мирзаев. — Энг асосийси эса улар бизнинг фикр-мулоҳаза ва эътирозларимизни инobatта олишади, камчиликлар эса ҳамжиҳатликда ҳал этилади. Мақсадимиз эса ягона — ўқув максадида билим олаётган келажакимиз эгаларига бугунги кун талаби асосида таълим тарбия бериш, қўлайликлардан баҳраманд этишдир.

— Албатта, масъулиятни зиммага олган, уни сикдикдилдан ҳис этиш, буюртмачи талабини қондириш лозим, — дейди «Файз-барокат» хусусий фирмаси раҳбари Шериф Абдуллаев. — Тез кунларда ўз вазданимизнинг устидан чиқамиз, яъни мактаб жамоли, ундаги шинамлик ва қўлайликлар фарзандларимизни шод этади. Бу бунёдкор жамоамизнинг мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларига байрам тўғрисида бўлади. Истагимиз ушбу билим максадида устозларидан сабоқ олаётган ўқувчиларнинг келгусида мустақиллигини янада мустақкамлашда салмоқли улушлари бўлсин.

Ҳа, ҳадемай ушбу мактабда биринчи кўнгирак жаранг-лайди. Унинг овози янги ўқув йилида ҳар йилгидан жарангдор ва жозибали бўлиши, шубҳасиз.

## Бунёдкорлик

### ЯНГИ БОЛАЛАР СПОРТ МАЖМУАСИ

**ТУМАНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ САМАРАСИ МАҲАЛЛАЛАР, КЎЧАЛАР, КЎП ҚАВАТЛИ ЗАМОНАВИЙ ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИ, ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИ КЎРКИДА ЁРҚИН НАМОЁН БЎЛМОҚДА.**

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз кунларида эса туманда истиқомат қилувчи ўғил-қизлар учун муносиб совға хозирланмоқда. «Кўйлик-4» мавзесида бунёд этилаётган салобатли ва замонавий спорт мажмуасида қурилиш-тиклаш ишлари жадал суръатларда олиб борилаётгани, қурувчиларнинг қўли-қўлига тегишган ана шундан далolat бериб турибди.

Мазкур мажмуа қурилиши бошланганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин бош пудратчи ташкилот — «Ди-зайн тараққиёт» хусусий фирмаси қўли гул бунёдкорларнинг маҳорати тўғрисида режадаги юмушлар ортиги билан уддаланмоқда.

— Қурувчиларимиз болажонлар спортнинг барча турлари билан мунтазам шуғулланиб, соғлиқларини тиклаш, жисмонан бақувват бўлишларини таъминлашлари мақсадида астойдил тер тўкишмоқда, — дейди ишбоши Салим Қориев. — Мазкур бинони бунёд этиб, барча керакли спорт анжом ва жиҳозлари билан таъминлаш, яъни уни буюртмачиларга «калители билан» топшириш учун 670 миллион сўм маблағ сарфлашни кўзда тутилган. Энг муҳими эса ушбу маблагни лойиҳада кўзда тутилганидек сифат ва мустақамликка эътиборни қаратган ҳолда, ёш спортчиларга барча шароитларни муҳайё этиш учун сарфлаш катта аҳамиятга эга.

Ишларимиз 2 сменада ташкил этилган бўлиб, Охангарондан келтирилган цемент, «Қумдон» акциядорлик жамиятининг пишқиғишлари, «ОСУ-4» корхонасининг сифатли бетонлари, юртимиздаги қўша корхоналарда тайёрланган рақобатбардош алюмин эшик ва ромлардан қурилиш ишларида кенг фойдаланялмиз.

Шунингдек, қурувчилар тикланаётган бино ҳовлисидаги футбол майдончасини ҳам қайта реконструкция қилишни ўз зиммаларига олишган. Майдон атрофини ободонлаштириш, чим ётқириш ва бошқа юмушлар амалга оширилади. Айни пайтда эса қурилиш майдонига 60 нафардан зиёд бунёдкор меҳнат қилмоқда. Улар орасида алоҳида ғайрат-шижоат кўрсатаётган фист терувчилар сардори Иброҳим Турғунов, комплекс бригадда бошлиғи Мурод Азизов, чилангарлар Абдуваққос Боймирзаев, Олимжон Қаймов, уста Баходир Жўраев, фист терувчи Жамол Турғуновларини таъкидлаш лозим. Сирасини айтганда эса бугунги кунда бунёдкорларнинг баракали меҳнати, асосий мақсади болалар спорт мажмуасини ўз вақтида эгаларига топширишга қаратилган.

## «Қамолот»

### ЁШЛАР ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА

**ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ. УЛАРНИНГ КАМОЛИ МУСТАҚИЛ ДИЁРИМИЗНИНГ ЭРТАСИДА ЁРҚИН АКСИНИ ТОПАДИ. ШУ БОИС ҲАМ ЙИГИТ-ҚИЗЛАРИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА БАРКАМОЛ, СОҒЛОМ ВА БИЛИМЛИ БЎЛИШЛАРИДА, УЛАРНИНГ ОНГИГА МУСТАҚИЛЛИК ҒОЯЛАРИНИ СИНДИРИШДА «КАМОЛОТ» ЁИХ МИРОБОД ТУМАН БЎЛИМИ КЕНГАШИ ҚАТОР ИБРАТИЛИ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИБИ, УЛАРГА МАДАД ВА СУЯНЧ БЎЛМОҚДА.**

Кенгаш жорий йилда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг бажарилиши

бўйича ўз режасига эга бўлиб, уни муваффақиятли амалга оширмоқда. Туманда жойлашган олий билим максадида, коллеж ва лицейлар, мактаб ва маҳаллаларда ўтказилаётган бир қатор тадбир, учрашув, мулоқот, спорт мусобақалари, саёҳатлар шулар жумласидандир.


— Туманимиз ёшларининг иқтидори, қизикликлари ва талабларини инobatта олган ҳолда тадбирларимизни ўзига хос руҳда уюштиришга, уларга керакли нарсаларни етказишга, дам олишларини, бўш вақтларини тўғри ташкил этишга ҳаракат қиламиз, — дейди «Қамолот» ЁИХ Миросад туман бўлими Кенгаши раиси Жамшид Низомов. — Айни кунларда ёз мавсумида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкиллаштириш, дам олишларини

кўнгилли ўтказиш мақсадида «Ёзни «Қамолот» билан!» лойиҳаси доирасида қатор тадбирларни ташкил этаймиз. Айниқса, «Тилларни ўрганамиз», «Компьютерсиз ҳаёт йўқ», «Йўл қондаси — умр фойдаси», «Биринчи тиббий ёрдам», «Кўчма спорт», «Кўчма кино» сингари мавзулардаги тадбирларимиз мактаблар қошидаги ва шаҳардан ташқарида жойлашган болалар оромгоҳларида қизиқарли ва мароқли ўтказилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтказилаётган ҳар бир тадбирнинг ўзига хос аҳамияти бўлиб, «Олтинкўл» ва «Ўзбекистон» маҳаллаларида уюштирилган «Ўз уйингни ўзинг асра, ўз юртингни ўзинг ҳимоя қил» тадбири ёшларни Ватанга муҳаббат, Мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбияласа, Тошкент темир йўл транспорти касб-хунар коллежидаги «Иқтидор — 2007» кўриктанови ҳақиқий билим ва маҳорат синови бўлди. Фурқат номли маданият ва

истироҳат боғида уюштирилган «Қадрият, аъналар ва ёшлар» фестивали эса ёшларни миллий қадриятларимиз, шарқона урф-одатларимизни эъзозлашга ундаса, «Спорт — саломатлик гарови» деб номланган турли мусобақалар соғлиқни мустақкамлашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийларини йўқлаш, уларга мадад бўлиш, кам таъминланган оила фарзандларига муруват кўрсатиш, туман ободончилиги ва кўкаламзорлигига ҳисса қўиш мақсадида ҳашарларда фаол иштирок этиш сингари вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бир сўз билан айтганда, «Қамолот»чилар туманда мустақил юртимиз ёшлари камол топшишга ҳисса қўишмоқда, уларни ўз сафларига бирлаштирмоқда.

Саҳифа материаллари Шарифа ИЛЕСОВА тайёрлади  
Наталья Семёнова олган суратлар



### МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

#### ҲИҚМАТЛАР

Мевали шох эгилади, мевасиз дара эса ғуддайиб туради.

Инсоннинг сояси ўзидан олдин уйга юғандек туюлса ҳам, аслида аввал кирган уни ўзи-дир.

Баъзилар нарсаларнинг ибтидосига бок, бошқалар интиҳога назар соладилар.

Барча иш-ҳаракат ақлнинг шарофати билан юзага чиқади.

Сўз инсоннинг қиймати қадар қадрлиди.

Эҳтиёжи бўлмаган кишига берилган ҳақ қандай нарса ортиқча юқдир.

Сўз бир келиндир, бир гўзалдир.

Бирон дарди бўлган киши дарҳол билиди.

Бир соҳа тўғрисидаги китобни ўқиган о,м шу соҳага доир битта сўз эшитиши биланвал ўқиганларини эслайди. Чунки у бу дажага етиш учун кечалари мижажа қокмай ўқига меҳнат қилган.

Инсон кўрган ва тушунган нарсасидавериқади, қоцади.

Инсон навбатдаги ҳолларга эришган сан аввалги ҳолининг хомлик, болалик бўлгани ва ҳатто ҳеч нарса бўлмаганини англай бори.

Ҳақиқатни кўрмак учун бедор кўз керак.

Каромат сени тубан ҳолдан юксак ҳол келтиришдир.

Билмаганлар кўп, бироқ уларнинг бир насини билиш орқали ҳаммасини таниса бўла. Масалан, бир ҳовуч бугдойни танганинг ҳола, ер юзидаги жамики бугдойларни танийсан. си озгина шакар еб кўрган киши барча турлиолваларнинг ичида шакар борлигини ажрата қади.

Киши ичини қанча покиза тутса, ўшаи олднинг сафта ўтади.

Агар отанган сенга сохта олтин қолгабўлса ва уни тоза бир олтинга алмаштириш мкони туғилса, алишмайсанми?

Яхшилик ёмонлиқни тарқ этмақдир.

Хуш нарсалар нохуш нарсалардан бўлэмасдир.

Севинч қадарнинг барҳам топишидир.

Ёмонлашнинг зиёни ёмонлаган одамнинг ўзи-гадир.

Инсон учун фақат икки ҳол мавжуд: ёстайди, ё истамайди.

Бутун захматлар, қайғулар исталганарсанинг йўқлигидан пайдо бўлади. Ҳеч нари истамаганда ташвиш (ғам) ҳам бўлмайди.

Сўз айтмоқдан мақсад бир фойда берм, қалбга таъсир этмоқ, ахлоқни ўзгартирмоқ, ҳоказо яхшиликлар қилмоқдир.

Киши юлдузга боқиб, тўғри йўлни хатгардан ажратиб олганидек, валийларга қараб ш мақсадида етишади.

Инсон садақаси унинг ўз ҳиммати в кадрқиймати ўлчовида бўлади.

Инсон қаерда бўлмасин, ҳамиша ўз зийёнинг ёнидадир.

Болалар дунёни билмаганлари, Ундаверикамаганлари учун беғубордир ва ўйнамоёрзуси билан яшайдилар.

Бугдой бир йил олтин баҳосида, боқа йил тупроқ қийматида сотилиши мумкин.

Ақл ва қалбсиз инсон туйғуларининг ч бири ҳаракатга келмасди.

Сўзнинг муайян ўрни бўлиши керак.

Данакнинг фақат мағизини ажратиблсанг, кўкармайди. Ҳолбуки, қобиғи билан ера ташласанг, ўсиб чиқади. Шу нуқтаи назарда қаралганда, суратнинг ҳам аҳамияти борли аён бўлмоқда.

Маънонинг сурат билан боғлиқлиги эр. Иккаласи бирлашмагунча фойда ҳам бўлмайди.

Инсон вояга етиб, ақл-фаросатли бўлч, вақтини уйинга сарфламайди ёки баъзаўйинаса ҳам, буни яширишга тиришади.

Мақсаднинг ҳосил бўлиши учун ҳарйўлнинг бир қанча усул ва воситалари мавжуд.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

2007— ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ТОПШИРИЛДИ

«ЭКОСАН» ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИДА «ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА КЎПЛАБ ХАЙРЛИ ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИБ КЕЛИНМОҚДА. КУНИ КЕЧА БЎЛИБ ЎТГАН КОНФЕРЕНЦИЯ «ИНФЕКЦИЯ: МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ. ИССИҚ ИҚЛИМ ШАРОИТИДА ТУРМУШ ТАРЗИ ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ» МАВЗУСИГА БАҒИШЛАНДИ.

Конференцияда «Экосан» халқаро ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Сенати Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг раҳбарлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институти ходимлари иштирок этиб, мазкур масала бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Шунингдек, анжуманда Тошкент шаҳри ва вилоятда жойлашган юқумли касалликлар шифохоналари, шаҳар ва туманлар давлат санитария назорати марказлари раҳбар ходимлари иштирок этдилар. Конференцияда сўзга чиққан мутахассисларнинг таъкидлашича ҳаво ҳарорати ортishi юқумли касалликларнинг кўпайишига олиб келмоқда. Шу боис бугунги кунда юқумли касалликларнинг аксарият қисми болаларда кузатилади.

лиги табиатнинг иссиқ иқлим шариоатларида тобора ошиб бормоқда. Одамзод ҳаёти мобайнида табиатнинг инжиқликларига мослашиб келган. Лекин бугунги кунда кузатилаётган иқлим ўзгаришининг, жумладан, иқлим иссиқининг атраф-муҳитга, ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, саломатликка бўлган таъсири ва унинг оқибатларини диққат марказида бўлишини талаб этмоқда.

Анжуман иштирокчилари инфекцияга қарши курашиш ҳамда ҳаво ҳароратининг иссиқлашиш жараёнида тўғри турмуш тарзини режалаштириш масалалари бўйича тегишли тавсиялар қабул қил-

ДУШАНБА, 23

Ўзбекистон

- 5.55 Қўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.45 ТВ анонс.
8.50 Дунё мерос.
«Болалар сайраси»:
9.00 1. «Алоудуларнинг сехри шамчирог».
Болалар учун фильм.
2. «Қўнғуз амакиннинг хиссалари». Мульти-сериял.
10.35 «Одани эрсанг»
10.35 Дунё иқлими.
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ анонс.
11.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Сополда авс атган дунё».
11.30 «Фотима ва Зухра». Муқимий номдаги мусикали драма театрининг спектакли.
12.45 ТВ анонс.
12.50 «Фотима ва Зухра». Спектакль. 2-қисм.
13.45 Вилот навалари.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Қусто командасининг сув орти саргузаштлари».
15.10 «Ватанларда».
15.10 «Эрталаб».
16.20 «Муҳаббат қадимлари». «Болалар сайраси»:
16.45 «Эрталаб - яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ анонс.
17.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Мингбу-лок».
17.25 «Ҳаёт ва қонун».
17.45 Ўзбекистон Республикаси Мустақил-лигининг 16 йиллиги олдидан.
«Уро даври». М. Уйгур. 1-қисм.
18.05 «Оханлар оғушида».
18.15 «Уро даври». 2-қисм.
18.15 «Минг бир ривоят».
18.40 «Оши». Телесериял.
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.10 «Юртим кишилари».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ахборот».
20.05 «ТВ шифор».
20.10 «Уч бека». Телесериял премьераси (Туркия)
20.30 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.41 «Шарқ тароналари».
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Телесериял премьераси (Корея)
23.00 «Қўшимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз беринг)
23.10 «Кавинтон Кросс». Телесериял.
24.00-00.05 Тунги навалар.
«Uzbekistan».
00.05 Қўрсатувлар дастури.
00.10 ТВ анонс.
00.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Сополда авс атган дунё».
00.30 «Чемпион сирлари».
00.50 «Самарқанд-2750».
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус)
01.30 ТВ анонс.
01.35 Олтин мерос.
01.45 «Фотима ва Зухра». Спектакль.
03.55 Дунё иқлими.
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.35 «Маргилон - 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 Миллий сериал: «Меҳробдан чаён».
11-қисм.
05.30-05.55 Тонги навалар.
15.55 Дастурнинг очилиши.
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам - барчамизники!»
16.20 «Яхшилик нунонати».
16.40 «Journal».
17.00 «Муъжизавий дунё». Ҳужжатли сериал.
17.50 «UzEX хабарлари» (рус ва инглиз тилларида)
18.00 Миллий сериал: «Лайли ва Махжун».
18.25 «Мунотоз наво».
18.50 «UzEX хабарлари».
18.55 «Икким».
19.00 «ДАВР».
19.20 «Муҳаббат ва эхтирос». Сериял.
20.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақил-лигининг 16 йиллигига бағишланади: «Биз нимиз?»
20.30 «Ешлик навалари».
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишқомли уй». Сериял.
21.40 Ижтимоий ҳимоя йиллиги: «Матонат».
21.55 «Икким».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-музыка». Еш ижрочилар танло-ви.
22.50 «Пуаро». Сериял.
23.40 - 23.45 «Таскин».

ТОШКЕНТ

- 9.00, 15.00, 21.45 «Сегодня».
9.25 «Икки карвал».
10.00 «Кулиарный вопрос».
11.00 «Квартирный вопрос».
12.00, 18.00 «Сегодня».
12.25 «Кодекс чести». 3-с.
14.30, 17.30 «Обзор. Чрезвычайное проис-шествие».
15.30, 00.45 Сериял «Возвращение Мухта-рар».
18.35 «Закон мышелоков».
19.40 Сериял «Агония страха».
20.45 Сериял «Улицы разбитых фонарей».
22.10 Сериял «Бальзаковский возраст, или Все мужики сво...».
23.15 Сериял «Зона».
00.10 «Победный голос». Д/с.
2.30 «Криминальная Россия».
2.55 Фильм «Встреча на Эльбе».
4.35 М/с «Богатырский Ринч-3».
«СТС»
7.00 «Семейка Тоду». М/ф.
7.45 «Идиотка из Дворца пионеров». М/ф.
7.55, 15.00 «Смешарики». М/ф.
8.00, 20.00 Комедия «Сваха».
8.30, 10.30, 18.00 Комедия «Моя прекрас-ная няня».
9.00, 21.00 «Дочки-матери». Сериял.
10.00, 20.30, 1.00 Истории в деталях.
11.00, 00.30 Комедия «Вся такая внезап-ная».
11.30, 19.00 Комедия «Кто в доме хозяйст-ва?».
12.30, 24.00 «Безмолвный свидетель». Де-тектив.
13.30 «Дорогая Маша Березина». Сериял.
14.30 «Вокруг света за 80 дней». М/ф.
15.00 «Соник Икс». М/ф.
15.30 «Пинокио». М/ф.
16.00 «Шаман Кинг». М/ф.
16.30 «Шоу Тома и Джерри». М/ф.
17.00 «Лиззи Магауайер».
17.30 «Галилео».
22.00 Кино «Салон красоты».
13.00 «Тайны Древнего мира».
2.30 Комедия «Непредказуемая Сюзанн».
3.15 «Мальчишки и девочки». Сериял.
5.00 «Миссия исковидения». Сериял.
5.45 «Настоящие дикари». Сериял.
6.05 Музыка на СТС.
«ТВ-3»
7.00 Победный голос.
7.30 Российские мультфильмы.
10.00 Х/ф «Фантом Мегалекса».
22.00 Х/ф «Человек в белом».
14.00, 19.00 Самые смешные моменты жи-зни.
14.30, 19.30 Растительная жизнь.
14.40 «Олам ва бизнес дастури: «Қусто ко-мандасининг сув орти саргузаштлари».
17.00 Х/ф «18 палцев мизет».
20.00 Х/ф «Водитель мисс Дейзи».
20.00 Х/ф «Последний бронепоезд».
24.00 Сериял «Собиратель душ».
1.00 Х/ф «Легенда Луси Кис».
3.00 Культ нальничности.
6.00 Релакс.

БОР БЎЛСИН ЯХШИЛАР

Донолар «Утирган бўйра, юрган дарё» деб хўп айтишганда. Ҳар қалай йўл юрган одам турли тасодифларга дуч келади. Таниш, нотаниш одамлар билан учрашади, суҳбатлашади. Тунов кунги йўлда бо-раётиб бир йигит билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдим.

— Йўлимиз бир шекилли, отахон, — деди у мен билан ёнма-ён келгач, саломлашиб.
Нотаниш йигитнинг илтифотидан тааж-жубланиб унга қарадим.

— Бу ким экан деб ҳайрон бўлманг, отахон. Мен сизни таниман. Утган йили бир масала юзасидан сиз билан учраш-гандим.

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

— Шунақами? Қанақа масала эди?
— Юраверинг, йўл-йўлақай айтиб бе-раман. Мен ҳам шу томонга кетялман.
Йигит ҳикоясини бошлади.

— Акам вафотидан олдин Халил ака деган қадрдон дўстлариникига меҳмонга бордик. Меҳзон бизни очик чехра билан қутиб олди. Унинг тақлифи билан ховли-га, кейин уйга кирдик.

— Ҳўп, яхши келибсизларда, — деди у дастурхон атрофидан жой олиб бўлганимиздан сўнг хўшундук билан. Яхши меҳ-мон ош устига деб шунга айтдиларда, худди билангдек шу бугун янгангизга ош буюрган эдим, — деди-да қаршилигимиз-га қарамай, «Мен ҳозир» дея ташқарига чиқиб чой келтирди. Хали чойдан бир пиё-ладан ичиб улгурмасимиздан лаганда хов-ри чиқиб турган ош келтирилди. Меҳмон-дорчилик асносида суҳбат қизиди. Алла-паллада кўзгалдик.

— Йўқ, — деди меҳзон, — келиш меҳ-мондан, изн биздан, кетмайсизлар.
Акам раҳмат айтиб ўрн сўради.

— Тунов кунги сиздан бир нарса сўра-моқчиман, деган эдингиз. Уртага одам ара-лашиб суҳбатимиз узилиб қолди. Нима демоқчи эдингиз ушанда, — сўради Халил ака дастурхонда фотиха ўқилгандан сўнг.

— Сизнингдан қимбабди, раҳмат. Асли-да келишимиздан мақсад ҳам шу эди-да, акаҳон. Биласиз, қурилиш қиляман. Шун-га озроқ пул зарур бўлиб қолди.

— Халил ака тез ўридан турди. «Бир да-қиқага» дея ташқарига чиқди. Кейин ки-риб:
— Бемалол ишлатаверинг. Дўст дўст бо-шига иш тушганда керак-да. Шошилайи топанганимизда берарсиз, — деди у акам-нинг қўлига сўраган пулни тутказиб. Мин-натдорчилик билдириб хайрлашдик.

Дўстининг ёрдами туфайли акам чала қолган қурилишини битказиб олди. Орад-дан йил ўтиб, у қаттиқ ботобланиб қолди. Улими олдидан менга шундай деди:
— Укаҳон, билсансиз ушанда Халил ака-дан қарз қўтарган эдик. Худого шукр, ан-

ликларингизга ишлатинг», деб олмади. Зўрласам у астойдил хафа бўлди.

Ушанда шу гапни айтиб маслаҳат сўра-ганимизда сиз: «Шунақа яхши одамлар кўп дунёда. Лекин барибир бироз вақт ўтказ-иб у кишининг олдидан яна бир-икки марта ўтинг. Агар розилик билдириб ол-масанлар, унда қиёмат қарз сизнинг ҳам, акаҳизнинг ҳам бўйнидан соқит бўлади», деган эдингиз.

— Э ҳа, энди эсладим, — дедим воқеа тафсилотини эшитгач. Хўш-хўш нима бўлди, олдиларидан ўтдингизми?
— Ҳа, икки марта ўтдим. Қанча уринмай у киши розилик билдириб олмадилар.

— Ундай бўлса ҳеч азийт чекманг, би-родар. Уша яхши инсон астойдил сиздан рози бўлган бўлса, билингки, Худо ҳам рози бўлади.

Йўлда бораётганман уйланаман. Биз на-қадар меҳр-оқибатли халқимиз-а? Чиндан ҳам орамизда ўзгаларга ёрдам қўлини чўзадиган дину диёнатли, саховатли ин-сонлар кўп.

ИНСОФ САРИ БАРАКА

Хозир ёзги мавсум авжи паллага кир-иб, юртимизнинг, шу жумладан Тошкент вилоятининг дам олиш масканлари ҳам анча гавжумлашиб қолган. Утган шанба кунги биз ҳам уч-тўрт тенгқулар тўп-ланиши Бўстонликда жойлашган Хўмсон қи-шлоғи томон йўл олдик. Дам олишимиз бир кунга мўлжаллангани учун сой бўйидаги баъзи хонадонлардан жой қидиришимиз-га тўғри келди. Меҳмонхоналарнинг нар-хи қиммат десак, оддий хонадонлардан жой берувчилар ҳам нарх-навоани анча оши-риб белгилайдиган бўлишди. Хўллас бир кунлик ётоқ бир киши учун беш минг сўм. Бу ўртачаси. Хатто ундан икки баравар ор-тиқлари ҳам бор.

Тўрт уфат маслаҳатлашиб, ҳар бири-миз учун беш мингдан тўлашга рози бўлиб,

нини кўз қўрар», деб ўтин қидириб кет-дик. Ҳар қалай, ўтин топилди. Бир овқат пишарли шох-шаббаларни гамлаб олдик. Таомдан сўнг, сой бўйига чиқдик. Ую дарёсининг тошдан тошга урилиб оқиши-га махлиё бўлиб анча ўтирдик. Кечки пайт ётоққа қайдик. Тўшлиқдан қолган овқат-ни иситиб, чойхўрлик қилдик. Алла-паллагача суҳбатимиз қизиди. Шу орада кимдир чойнак кутариб, яна чой қайна-тиш тарадуудига тушдик. Учўк бошига кирса боғия аёл замзама қилиб:

— Бунақада кеңаси билан чой қайнат-санглар, бир йўла газни тамомлаб кета-сизларку, — дедди.

Дўстимиз хижолат тортигандан куруқ чойнак билан қайдик.
— Майли, бир кеча минг кеча бўлмас, — дея унга тасалли бериб уйкуга кет-дик.

Устимиз юпун бўлгани учун кеңаси бил-ан чивинга таландик. Эрталабга яқин соғуқ котанимиздан шолчада ётсак ҳам таъзимиздаги кўрпачаларни тортиб усти-мизга ёпдик.

Энг ёмони кетар чоғимизда бўлди. Каердандир пайдо бўлган ўрта ёшли киши (аёлнинг эри бўлса керак) яқинимизга кели-б биз билан саломлашгач, ҳисоб-ки-тоб қилишимизни сўради. Тўрт уфат 20 минг тўллаб, унинг қўлига тутдик. У пул-ларни бирма-бир санаб:

— Бу кам, яна минг сўмдан қўшасиз-лар, — деди.
Биз олдиндан шу нархга келишимиз-ни айтдик.
— Мен йўғимда уйдагилар арзон айти-шибди. Газ, ўтин, кўрпа-ёстиқ дегандек, яна тўрт минг сўм бермасангиз бўлмайди, — деб туриб олди.
Норози бўлсак-да, унинг айтганига қўнғиша мажбур бўлдик. Хўллас, яхши ният билан олганган сафаримиз мана шундай қўнғилсиз туғди. Начора баъ-зан шунақаси ҳам бўлиб тураркан-да. Нима бўлганда ҳам одам инсофини унут-магани яхши.

ТОШКЕНТ

- 7.00 «Семейка Тоду». М/ф.
7.45 «Идиотка из Дворца пионеров». М/ф.
7.55, 15.00 «Смешарики». М/ф.
8.00, 20.00 Комедия «Сваха».
8.30, 10.30, 18.00 Комедия «Моя прекрас-ная няня».
9.00, 21.00 «Дочки-матери». Сериял.
10.00, 20.30, 1.00 Истории в деталях.
11.00, 00.30 Комедия «Вся такая внезап-ная».
11.30, 19.00 Комедия «Кто в доме хозяйст-ва?».
12.30, 24.00 «Безмолвный свидетель». Де-тектив.
13.30 «Дорогая Маша Березина». Сериял.
14.30 «Вокруг света за 80 дней». М/ф.
15.00 «Соник Икс». М/ф.
15.30 «Пинокио». М/ф.
16.00 «Шаман Кинг». М/ф.
16.30 «Шоу Тома и Джерри». М/ф.
17.00 «Лиззи Магауайер».
17.30 «Галилео».
22.00 Кино «Салон красоты».
13.00 «Тайны Древнего мира».
2.30 Комедия «Непредказуемая Сюзанн».
3.15 «Мальчишки и девочки». Сериял.
5.00 «Миссия исковидения». Сериял.
5.45 «Настоящие дикари». Сериял.
6.05 Музыка на СТС.
«ТВ-3»
7.00 Победный голос.
7.30 Российские мультфильмы.
10.00 Х/ф «Фантом Мегалекса».
22.00 Х/ф «Человек в белом».
14.00, 19.00 Самые смешные моменты жи-зни.
14.30, 19.30 Растительная жизнь.
14.40 «Олам ва бизнес дастури: «Қусто ко-мандасининг сув орти саргузаштлари».
17.00 Х/ф «18 палцев мизет».
20.00 Х/ф «Водитель мисс Дейзи».
20.00 Х/ф «Последний бронепоезд».
24.00 Сериял «Собиратель душ».
1.00 Х/ф «Легенда Луси Кис».
3.00 Культ нальничности.
6.00 Релакс.

СЕШАНБА, 24

Ўзбекистон

- 5.55 Қўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.45 ТВ анонс.
8.50 Дунё мерос.
«Болалар сайраси»:
9.00 1. «Алоудуларнинг сехри шамчирог».
Болалар учун фильм.
2. «Қўнғуз амакиннинг хиссалари». Мульти-сериял.
10.35 «Одани эрсанг»
10.35 Дунё иқлими.
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ анонс.
11.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Сополда авс атган дунё».
11.30 «Фотима ва Зухра». Муқимий номдаги мусикали драма театрининг спектакли.
12.45 ТВ анонс.
12.50 «Фотима ва Зухра». Спектакль. 2-қисм.
13.45 Вилот навалари.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Қусто командасининг сув орти саргузаштлари».
15.10 «Ватанларда».
15.10 «Эрталаб».
16.20 «Муҳаббат қадимлари». «Болалар сайраси»:
16.45 «Эрталаб - яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ анонс.
17.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Мингбу-лок».
17.25 «Ҳаёт ва қонун».
17.45 Ўзбекистон Республикаси Мустақил-лигининг 16 йиллиги олдидан.
«Уро даври». М. Уйгур. 1-қисм.
18.05 «Оханлар оғушида».
18.15 «Уро даври». 2-қисм.
18.15 «Минг бир ривоят».
18.40 «Оши». Телесериял.
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.10 «Юртим кишилари».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ахборот».
20.05 «ТВ шифор».
20.10 «Уч бека». Телесериял премьераси (Туркия)
20.30 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.41 «Шарқ тароналари».
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Телесериял премьераси (Корея)
23.00 «Қўшимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз беринг)
23.10 «Кавинтон Кросс». Телесериял.
24.00-00.05 Тунги навалар.
«Uzbekistan».
00.05 Қўрсатувлар дастури.
00.10 ТВ анонс.
00.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Сополда авс атган дунё».
00.30 «Чемпион сирлари».
00.50 «Самарқанд-2750».
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус)
01.30 ТВ анонс.
01.35 Олтин мерос.
01.45 «Фотима ва Зухра». Спектакль.
03.55 Дунё иқлими.
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.35 «Маргилон - 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 Миллий сериал: «Меҳробдан чаён».
11-қисм.
05.30-05.55 Тонги навалар.
15.55 Дастурнинг очилиши.
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам - барчамизники!»
16.20 «Яхшилик нунонати».
16.40 «Journal».
17.00 «Муъжизавий дунё». Ҳужжатли сериал.
17.50 «UzEX хабарлари» (рус ва инглиз тилларида)
18.00 Миллий сериал: «Лайли ва Махжун».
18.25 «Мунотоз наво».
18.50 «UzEX хабарлари».
18.55 «Икким».
19.00 «ДАВР».
19.20 «Муҳаббат ва эхтирос». Сериял.
20.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақил-лигининг 16 йиллигига бағишланади: «Биз нимиз?»
20.30 «Ешлик навалари».
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишқомли уй». Сериял.
21.40 Ижтимоий ҳимоя йиллиги: «Матонат».
21.55 «Икким».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-музыка». Еш ижрочилар танло-ви.
22.50 «Пуаро». Сериял.
23.40 - 23.45 «Таскин».

ТОШКЕНТ

- 7.00 «Семейка Тоду». М/ф.
7.45 «Идиотка из Дворца пионеров». М/ф.
7.55, 15.00 «Смешарики». М/ф.
8.00, 20.00 Комедия «Сваха».
8.30, 10.30, 18.00 Комедия «Моя прекрас-ная няня».
9.00, 21.00 «Дочки-матери». Сериял.
10.00, 20.30, 1.00 Истории в деталях.
11.00, 00.15 Комедия «Вся такая внезап-ная».
11.30, 19.00 Комедия «Кто в доме хозяйст-ва?».
12.30, 23.45 «Безмолвный свидетель». Де-тектив.
13.30 «Дорогая Маша Березина». Сериял.
14.30 «Вокруг света за 80 дней». М/ф.
15.00 «Соник Икс». М/ф.
15.30 «Пинокио». М/ф.
16.00 «Шаман Кинг». М/ф.
16.30 «Шоу Тома и Джерри. Комединое шоу». М/ф.
17.00 «Лиззи Магауайер».
17.30 «Галилео».
22.00 Кино «Кот в шляпке».
13.00 «Тайны Древнего мира».
2.30 Комедия «Непредказуемая Сюзанн».
3.15 «Мальчишки и девочки». Сериял.
5.00 «Миссия исковидения». Сериял.
5.45 «Настоящие дикари». Сериял.
6.05 Музыка на СТС.
«ТВ-3»
7.00 Победный голос.
7.30 Российские мультфильмы.
10.00 Х/ф «Фантом Мегалекса».
10.00 Х/ф «Человек в белом».
12.00 Х/ф «Лучший друг».
14.00, 19.00 Самые смешные моменты жи-зни.
14.30, 19.30 Растительная жизнь.
14.40 «Олам ва бизнес дастури: «Қусто ко-мандасининг сув орти саргузаштлари».
17.00 Х/ф «18 палцев мизет».
20.00 Х/ф «Водитель мисс Дейзи».
20.00 Х/ф «Последний бронепоезд».
24.00 Сериял «Собиратель душ».
1.00 Х/ф «Легенда Луси Кис».
3.00 Культ нальничности.
6.00 Релакс.

ТОШКЕНТ

- 7.00 «Семейка Тоду». М/ф.
7.45 «Идиотка из Дворца пионеров». М/ф.
7.55, 15.00 «Смешарики». М/ф.
8.00, 20.00 Комедия «Сваха».
8.30, 10.30, 18.00 Комедия «Моя прекрас-ная няня».
9.00, 21.00 «Дочки-матери». Сериял.
10.00, 20.30, 1.00 Истории в деталях.
11.00, 00.15 Комедия «Вся такая внезап-ная».
11.30, 19.00 Комедия «Кто в доме хозяйст-ва?».
12.30, 23.45 «Безмолвный свидетель». Де-тектив.
13.30 «Дорогая Маша Березина». Сериял.
14.30 «Вокруг света за 80 дней». М/ф.
15.00 «Соник Икс». М/ф.
15.30 «Пинокио». М/ф.
16.00 «Шаман Кинг». М/ф.
16.30 «Шоу Тома и Джерри. Комединое шоу». М/ф.
17.00 «Лиззи Магауайер».
17.30 «Галилео».
22.00 Кино «Кот в шляпке».
13.00 «Тайны Древнего мира».
2.30 Комедия «Непредказуемая Сюзанн».
3.15 «Мальчишки и девочки». Сериял.
5.00 «Миссия исковидения». Сериял.
5.45 «Настоящие дикари». Сериял.
6.05 Музыка на СТС.
«ТВ-3»
7.00 Победный голос.
7.30 Российские мультфильмы.
10.00 Х/ф «Фантом Мегалекса».
10.00 Х/ф «Человек в белом».
12.00 Х/ф «Лучший друг».
14.00, 19.00 Самые смешные моменты жи-зни.
14.30, 19.30 Растительная жизнь.
14.40 «Олам ва бизнес дастури: «Қусто ко-мандасининг сув орти саргузаштлари».
17.00 Х/ф «18 палцев мизет».
20.00 Х/ф «Водитель мисс Дейзи».
20.00 Х/ф «Последний бронепоезд».
24.00 Сериял «Собиратель душ».
1.00 Х/ф «Легенда Луси Кис».
3.00 Культ нальничности.
6.00 Релакс.

ТОШКЕНТ

- 7.00 «Семейка Тоду». М/ф.
7.45 «Идиотка из Дворца пионеров». М/ф.
7.55, 15.00 «Смешарики». М/ф.
8.00, 20.00 Комедия «Сваха».
8.30, 10.30, 18.00 Комедия «Моя прекрас-ная няня».
9.00, 21.00 «Дочки-матери». Сериял.
10.00, 20.30, 1.00 Истории в деталях.
11.00, 00.15 Комедия «Вся такая внезап-ная».
11.30, 19.00 Комедия «Кто в доме хозяйст-ва?».
12.30, 23.45 «Безмолвный свидетель». Де-тектив.
13.30 «Дорогая Маша Березина». Сериял.
14.30 «Вокруг света за 80 дней». М/ф.
15.00 «Соник Икс». М/ф.
15.30 «Пинокио». М/ф.
16.00 «Шаман Кинг». М/ф.
16.30 «Шоу Тома и Джерри. Комединое шоу». М/ф.
17.00 «Лиззи Магауайер».
17.30 «Галилео».
22.00 Кино «Кот в шляпке».
13.00 «Тайны Древнего мира».
2.30 Комедия «Непредказуемая Сюзанн».
3.15 «Мальчишки и девочки». Сериял.
5.00 «Миссия исковидения». Сериял.
5.45 «Настоящие дикари». Сериял.
6.05 Музыка на СТС.
«ТВ-3»
7.00 Победный голос.
7.30 Российские мультфильмы.
10.00 Х/ф «Фантом Мегалекса».
10.00 Х/ф «Человек в белом».
12.00 Х/ф «Лучший друг».
14.00, 19.00 Самые смешные моменты жи-зни.
14.30, 19.30 Растительная жизнь.
14.40 «Олам ва бизнес дастури: «Қусто ко-мандасининг сув орти саргузаштлари».
17.00 Х/ф «18 палцев мизет».
20.00 Х/ф «Водитель мисс Дейзи».
20.00 Х/ф «Последний бронепоезд».
24.00 Сериял «Собиратель душ».
1.00 Х/ф «Легенда Луси Кис».
3.00 Культ нальничности.
6.00 Рел

